

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**247** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 20 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2123

(2010 йил 30 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 16 июль,
61-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2010 йил 16 июлдаги
61-сонли буйруғига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг 4-бандига асосан пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини белгилайди.

1. Юқорида кўрсатиб ўтилган Фармонга мувофиқ 2010 йилнинг 1 августидан қуйидагиларнинг энг кам миқдорлари белгиланади:

энг кам иш ҳақи — ойига 45 215 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 88 845 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 88 845 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 54 265 сўм.

2. 1991 йилнинг 1 январигача ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдорини тенглаштириш ва қайта ҳисоблаб чиқиш мақсадида, иловага мувофиқ янги йиллар бўйича дифференцияланган тузатувчи коэффициентлар ўрнатилади.

3. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ортиқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инobatга олинади (45 215 сўм х 8 = 361720 сўм).

4. Янги тузатувчи коэффициентлар қўлланилган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баравари ва ундан юқори миқдорида бўлган ҳолларда, пенсияларни қайта ҳисоблашни амалга оширишда иш ҳақи миқдори энг кам иш ҳақининг саккиз ҳиссаси 361 720 сўм (45 215 сўм х 8) билан чегараланиб, иш стажининг давомийлигига боғлиқ равишда пенсияларни ҳисоблаш учун қабул қилинган фоизларга кўпайтирилади.

5. Ёшга доир ёки I ва II гуруҳ ногиронлик бўйича пенсионерлар «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 7 ва 17-моддаларига мувофиқ пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган тақдирда, қайта ҳисоблашдаги пенсия миқдори бор стажга мутаносиб равишда белгиланади.

6. Барча ҳолларда пенсияларга устама энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб аниқланади (45 215 сўм).

7. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири*

А. ХАИТОВ

2010 йил 16 июль

*Молия вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари Пенсия
жамғармаси ижро этувчи директори*

М. АБДУЛЛАЕВ

2010 йил 16 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сонли «Иш
ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий
нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги
Фармони асосида 2010 йил 1 августдан
пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**2010 йил 1 августдан пенсияларни қайта ҳисоблашда
ўртача ойлик иш ҳақини тенглаштириш учун
қўлланиладиган тузатувчи
КОЭФФИЦИЕНТЛАР**

Даврлар	Коэффициентлар	Даврлар	Коэффициентлар
1971 йилга қадар	1772,8	1994 йил 1 августдан	714,0
1971 йил	1727,6	1994 йил 1 сентябрдан	620,7
1972 йил	1684,6	1994 йил 1 ноябрдан	481,6
1973 йил	1630,8	1995 йил 1 январдан	481,6
1974 йил	1521,4	1995 йил 1 мартдан	243,7
1975 йил	1488,0	1995 йил 1 сентябрдан	187,6
1976 йил	1456,1	1996 йил 1 январдан	187,6
1977 йил	1415,6	1996 йил 1 апрелдан	139,5
1978 йил	1368,1	1996 йил 1 сентябрдан	97,3
1979 йил	1341,2	1997 йил 1 январдан	97,3
1980 йил	1306,7	1997 йил 1 июлдан	67,7
1981 йил	1282,1	1998 йил 1 январдан	67,7
1982 йил	1282,0	1998 йил 1 июлдан	49,2
1983 йил	1258,4	1999 йил 1 январдан	40,3
1984 йил	1258,2	1999 йил 1 августдан	31,4
1985 йил	1243,0	2000 йил 1 августдан	20,49
1986 йил	1228,1	2001 йил 1 августдан	14,63
1987 йил	1199,0	2002 йил 1 апрелдан	12,73
1988 йил	1120,1	2002 йил 1 августдан	11,05
1989 йил	1050,7	2003 йил 1 майдан	9,22
1990 йил	948,2	2004 йил 1 августдан	7,09
1991 йил	654,2	2005 йил 1 майдан	5,9
1992 йил 1 январдан	193,4	2005 йил 1 октябрдан	4,92
1992 йил 1 июлдан	90,4	2006 йил 1 июлдан	4,1
1992 йил 1 октябрдан	43,4	2006 йил 1 ноябрдан	3,42
1993 йил 1 январдан	32,03	2007 йил 1 августдан	2,73
1993 йил 1 апрелдан	22,9	2007 йил 1 ноябрдан	2,48
1993 йил 1 июндан	9,8	2007 йил 1 декабрдан	2,28
1993 йил 1 июлдан	6,2	2008 йил 1 апрелдан	2,02
1993 йил 1 сентябрдан	4,7	2008 йил 1 сентябрдан	1,68
1993 йил 1 ноябрдан	2,9	2008 йил 1 ноябрдан	1,6
1994 йил 1 январдан	2,18	2008 йил 1 декабрдан	1,51
1994 йил 1 мартдан	1,31	2009 йил 1 августдан	1,21
1994 йил 1 июндан	0,877	2009 йил 1 декабрдан	1,14
1994 йил 1 июлдан	871,0	2010 йил 1 августдан	1,0